

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022/192 - сонли

Тошкент вилояти.

"20" 06 2022 йил

“Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (кейинги ўринда “буюртмачи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Нурматов Баҳтиёр Баҳромжонович** бир томондан ва Бекобод ТЙФУК (кейинги ўринларда “пудратчи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Хусанов Баҳром Адҳамович** иккинчи томондан, бюджет маблағлари ҳисобидан Тошкент вилояти **Бекобод шахар Маърифат МФЙ Истиқлол кўчаси, Булоқариқ кўчасидан Меъмор кўчасига чиқиши қисмини жорий таъмирлаш** (кейинчалик-объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан xarid.uzex.uz маҳсус ахборот портали орқали (Лот рақами 22110012100940) эълон қилинган ва “Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 15 июндаги баённомасига асосан куйидаги шартномани туздилар:

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича буюртмачи томонидан пудратчига ажратилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича объектда жорий таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, *буюртмачи* эса *пудратчига* жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида қабул килиш ва молиялаштириш манбай бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. *Буюртмачи* томонидан молиялаштирилаётган қурилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблағ бўйича аниқланади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нарҳларда шартноманинг умумий қиймати **ҚҚС билан 37 029 731** (ўттиз етти **миллион йигирма тўққиз минг етти юз ўттиз бир**) сўм, шундан **ҚҚС 4 829 965** (тўрт миллион саккиз юз **йигирма тўққиз минг тўққиз юз олтмиш беш**) сўмни ташкил этиб, мазкур маблағ молия бошқармаси томонидан ажратилгач 3 кун муддатда тегишли тартибда молиялаштириш жадвалига асосан пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш назарда тутилади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисбланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси хуносаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур обьектнинг айрим харажатлари бўйича курилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун обьектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида буюртмачининг рухсати билан йўналтириши мумкин;

-объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан обьектни буюртмачига тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

-пудратчи қурилиш давомида смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўғрида буюртмачига хабар бериси шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёлларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-мазкур шартнома бўйича обьектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишили қурилиш машиналари, транспорт воситалари, анжомлар, қурилиш материаллари, буюмлар вақтинчалик бинолардан бўштатди;

-қурилиш майдони қўриклинишини таъминлайди;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача пудратчи жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтарини юритади. Агар буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

4.4. *Пудратчи* дафтарда буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

V. БУЮРТМАЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

-ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

-пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган обьект учун маблағ таъминланиши билан белгиланган ишлар қийматининг **30** фоизи миқдорида бўнак (аванс) бериш ва ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштириши амалга ошириш;

-5 кунлик муддат ичida пудратчи томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқланса уларни кўрсатган ҳолда пудратчига қайтариб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. *Пудратчи* мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи пудратчига шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бўнак(аванс) маблағи ўтказади.

7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибида расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи обьектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан

фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. *Пудратчи* таъмирлаш даврида буюртмачининг вакилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, обьектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.3. *Пудратчи* обьектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш хужжатларини, қилинган сарф-харажатларни буюртмачи томонидан мазкур обьект учун бириттирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан обьектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни буюртмачига топширади.

8.4. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

8.5. *Пудратчи* ўзи томонидан таъмирлашда кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.6. Пудратчи ишларни смета хужжатлариغا ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.7. Ёилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиха, норматив-техник хужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.8. *Пудратчи* буюртмачининг қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдифисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар буюртмачи *пудратчи* ва (ёки) унинг ёрдамчи *Пудратчилари* томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда *Пудратчи* ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. *Пудратчи* таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган обьект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўрикланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошкини, кўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, *Пудратчиди* зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у ҳолда *Пудратчи* ва *Буюртмачи* ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини мухокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЬЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Объектда жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг:

1). Махаллий ички хўжалик йўлларини куриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказилади;

Бунда, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ маҳсус лицензияга эга, лаборатория синовлари қурилиши соҳасидаги амалда бўлган меъёрий хужжатлар, қурилиши нормалари ва қоидалари бўйича фаолият юритадиган. Махаллий ички хўжасалик йўллари қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказинига ихтисослашган, кўп ишлар таъсирбага эга корхона (ташкилот, муассаса, жамият)ларнинг Лаборатория синов натижалари бўйича хуносаларини олиш талаб қилинади.

2). **Бажарилган ишлар** (хизматларни) ҳақиқий иш хажмини аниқлаш учун банк мутахассислари ўлчов назорати ўтказилади (**ўлчов назорат** харажати пудратчининг бошқа харажатлари ҳисобидан қопланади);

3). Пудратчи ташкилоти томонидан тугалланган объектни қабул қилиб олиш учун тегишли хужжатларни расмийлаштиради ва буюртмачига хабарнома юборади;

4). **Ички йўлларни жойларда фойдаланишга қабул қилиши юзасидан тузилган иичи гурӯҳ** томонидан фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг, Буюртмачи томонидан яқуний хисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

11.3. *Пудратчи ташкилот ишчи гурухига қуидаги хужжатларни тақдим этади:*

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижро чиқчилиги кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- йўл-курилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

- ишларни бажариш журнали;

- ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш “Йўл қурилиш сифат назорат қилиш” давлат инспекцияси томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилинганилиги тўғрисидаги далолатномалари.

11.4. *Пудратчи жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ буюртмачига буюртмачи томонидан белгиланган таркиба икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.*

11.5. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. *Пудратчи:*

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета хужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишни;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланниб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг иккى томонлами далолатномасида қайд этилади.

Агар *пудратчи* бажарилган ишлардаги нүқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичидаги бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий хужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда конунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш хуқуқига эга.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. *Буюртмачи*:

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши *буюртмачига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *пудратчи* томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати *Пудратчининг* айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

-*Пудратчи* томонидан шартнома шартлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

13.2. *Пудратчи*:

-ишларнинг бажарилиши *пудратчи* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *Буюртмачи* томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-*буюртмачи* томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон ушбу бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий" базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонуни ва бошқа қонун хужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортиласди.

Жорий таъмирлаш ишларини олиб бораётган *пудратчи* ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ *буюртмачи* олдида қўйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

-*буюртмачи* билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмирлаш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда *Пудратчи*, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нүқсонларни бартараф этишни орқага сурисно;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганилиги учун *буюртмачи* *пудратчи* кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши *Буюртмачини* шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. *Пудратчи* томонидан объекти ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, *пудратчи* *буюртмачига* муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш *Пудратчини* ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда *буюртмачи* ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда «Йўлқурилишсифатназоратқилиш» давлат инспекцияси хулосаси асосида объекти қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек *Пудратчидан* сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларда белгиланган миқдорида жарима

ундириш хуқуқига эга. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун *пудратчи* Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонунининг 26 моддасига асосан сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20%(фоизи) миқдорида жарима тўлади.

14.5. *Буюртмачи Пудратчининг* бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий хисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида *Буюртмачига* қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, *Буюртмачи* ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар хисобидан чегириб қолиш хуқуқига эга.

14.6. Муддат ўтказиб юборилганилиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида эътиroz тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътиrozлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиши муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. *Пудратчи* курилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини *буюртмачининг* ёзма рухсатисиз, ёрдамчи *пудратчилардан* ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

16.4. *Буюртмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилигига рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича хукуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилигига рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

17.2. Мазкур шартномага куйидагилар илова қилинади;

1-илова – Бажариш жадвали,

2-илова – Молиялаштириш жадвали.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

БЮОРТМАЧИ

"Тошкент вилояти мінтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУК
Тошкент вилояти Нурафшон шаҳри Бобур
кўчаси 119 уй
Ш/х: 304521860274017045129118051
ИНН: 304 943 564 ОКЭД 42110
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Фазначилигининг Амалиёт Бошқармаси
Ур. 23 402 000 300 100 001 010
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919

Директор Б.Б.Нурматов

Юрист: С.Урунбаев



ПУДРАТЧИ

"Бекобод туман йўллардан фойдаланиш
унитар" корхонаси
Тош.вил Бекобод т. Зафар ш. Тошкент кўчаси
М.х/р 2021 0000 0001 3199 4001
Банк АТИБ Ипотека банк Бекобод филиали
ИНН: 200 556 419 ОКЭД: 42110
МФО:00489



Директор Д.А.Хусанов

Тошкент вилояти Бекобод шахар Маърифат МФЙ Истиқлол
кӯчаси, Булоқариқ кӯчасидан Меъмор кӯчасига чиқиш қисмини

жорий таъмирлаш
2022 йил "20" 06 даги 2024/92 сонли шартномасига

1-илова

Тошкент вилояти Бекобод шахар Маърифат МФЙ Истиқлол кӯчаси, Булоқариқ кӯчасидан Меъмор кӯчасига чиқиш қисмини жорий таъмирлаш

БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

№	Амалга ошириладиган ишилар	Йиллар	2022 йилда объект киймати												Сўм Иш турлари бўйича умумий киймати	
			I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак				
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
1	Жорий таъмирлаш	2022						37 029 731							37 029 731	
	ХАММАСИ:	2022						37 029 731							37 029 731	



Д. Абдуллаев



ПУДРАТЧИ:

Тошкент вилояти Бекобод шахар Маърифат МФЙ
 Истиқлол кўчаси, Булоқариқ кўчасидан Меъмор
 кўчасига чиқиш қисмини жорий таъмирлаш
 2022 йил "20" 06 даги 2022/102 сонли
 шартномасига

2-илова

Тошкент вилояти Бекобод шахар Маърифат МФЙ Истиқлол кўчаси, Булоқариқ кўчасидан Меъмор кўчасига чиқиш қисмини жорий таъмирлаш

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

Молиялаштириш жадвали	Йил-лар	Сўм												
		январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр	Жами
Ажратилган аванс маблаги	2022						11 108 919							11 108 919
Ажратилган аванс маблагини инобатга олиб бажарилган ишларни молиялаштиришга ажратиладиган маблаг	2022						25 920 812							25 920 812
Жами:	2022						37 029 731							37 029 731
Жами молиялаштириладиган маблаг		37 029 731 (ўттиз етти миллион йигирма тўқиз минг етти юз ўттиз бир)												



Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 100940 на приобретение Бекобод шахар Маърифат МФЙ Истиқлол кўчаси, Булоқариқ кўчасидан Меъмор кўчасига чиқиш қисмини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 15.06.2022

Время рассмотрения 14.06.2022 18:00

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти Минтакавий йулларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Член комиссии	NORIMOV O'KTAM AXTAM O'G'LI	Sektor mudiri	Toshkent viloyati moliya bosh boshqarmasi
Председатель комиссии	NURMATOV BAHTIYOR BAXROMJONOVICH	директор	Toшкент вилояти МИБХ ДУК
Секретарь комиссии	URUNOV JONIBEK QOBILOVICH	Бўлим бошлиғи	Toshkent viloyati MYBX DUK
Член комиссии	ZAKIROV AZIZJON BAXADIROVICH	Bosh mutaxassis	"O'ZYOLINSPEKSIYA"
Член комиссии	SHAKIROV ABDUMANON XALILOVICH	Toshkent viloyati soliq boshqarmasi inspektori	Toshkent viloyati soliq boshqarmasi
Член комиссии	ABRALOV BEXRUZZXON ISKANDAR O'G'LI	Yetakchi mutaxassis	Toshkent viloyati hokimligi

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 15.06.2022 года № лота 100940.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Бекобод шахар Маърифат МФЙ Истиқлол кўчаси, Булоқариқ кўчасидан Меъмор кўчасига чиқиш қисмини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	41 113 077.00
Стартовая сумма	41 113 077.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар 1- шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилишда иш тажрибасига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. 3 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар). 3. Ишлаб чиқариш техника бўлимида 3 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги. 4. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги. 5. Мехнатни муҳофаза килиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши

мавжудлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BEKOBOD TUMAN YFUK	19	37029731	19	Экспертная		
"BO'KA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxo	19	41113077	19	Экспертная		
ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH	19	36241105	15	Экспертная		

Критерий №2 II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 3-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп.. 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. 3. Ўтган йилда 100 млн. сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. 4. Иш ҳақи фонди 100 млн. сўм. 5. Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп. 6. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 ва ундан кўп.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BEKOBOD TUMAN YFUK	34	37029731	34	Экспертная		
"BO'KA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxo	34	41113077	34	Экспертная		
ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH	34	36241105	34	Экспертная		

Критерий №3 III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш обьектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни (автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш) ўз кучи билан бажариш: йилига N (N-Буюртмачи бошланғич нархининг 50%) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади). 2. Энг яхши таклифларни танлаш савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BEKOBOD TUMAN YFUK	25	37029731	25	Экспертная		
"BO'KA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxo	25	41113077	25	Экспертная		
ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH	25	36241105	25	Экспертная		

Критерий №4 V. Қурилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўздан кечирганлиги ва лойиҳани ўрганганилиги

тўғрисида маълумотнома, 6-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Қурилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўрганлиги ва ўрганиб чиқсанлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ВЕКОВОД ТУМАН YFUK	2	37029731	2	Экспертная		
"BO'KA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxo	2	41113077	2	Экспертная		
ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH	2	36241105	2	Экспертная		

Критерий №5 IV. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг Машина ва механизмлар руйхати, 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун, кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги, жумладан: 1. Юк кўтариш қуввати 10 тоннадан кам бўлмаган бортли ўзиғдарувчилар - 2 дона; 2. Асфальтётқизгич кенглиги 6,5 метргача - 1 дона; 3. Ҳар хил йўл зичлагичлар - 2 дона (бир хил зичлагичлар 1 та ҳисобига саналади); 4. Автогрейдер -1 дона; 5. Ювиш машинаси- 1 дона (ижара асосидаги қурилиш техникалари баллари 30% камайтирилади). 6. Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларининг мавжудлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ВЕКОВОД ТУМАН YFUK	20	37029731	11	Экспертная		
"BO'KA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxo	20	41113077	13.4	Экспертная		
ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH	20	36241105	11	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"BO'KA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxo	41 113 077.00	41 113 077.00	13.06.2022 15:02:55	26.44
ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH	41 113 077.00	36 241 105.00	13.06.2022 17:04:19	30.00
ВЕКОВОД ТУМАН YFUK	41 113 077.00	37 029 731.00	13.06.2022 12:51:19	29.36

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"BO'KA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxo	65.38	26.44495	91.82495
ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH	60.9	30	90.9
BEKOBOD TUMAN YFUK	63.7	29.36109	93.06109

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 100940 от 15.06.2022 года на приобретение Бекобод шахар Маърифат МФЙ Истиқлол кўчаси, Булоқариқ кўчасидан Меъмор кўчасига чиқиш қисмини жорий таъмирлаш определила победителем:

BEKOBOD TUMAN YFUK
200556419

и резервный исполнитель: "BO'KA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxo (200433950)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	NURMATOV BAHTIYOR BAXROMJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABRALOV BEXRUZZXON ISKANDAR O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	NORIMOV O'KTAM AXTAM O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Тошкент вилояти

Toshkent viloyati Toshkent sh., 100011, Abay ko'ch., 6-uy Tel: +998 71 244-43-56, Faks: +998 71 244-26-05, e-mail: vilekspertiza@mail.ru www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: NORBAYEV DUSMUROT ELOMONOVICH

Sana: 19-05-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 42604

Obyekt nomi «Тошкент вилояти Бекобод шахар Маърифат МФЙ Истиқлол кўчаси, Булоқариқ кўчасидан Меъмор кўчасига чиқиш қисмини жорий таъмирлаш»

Buyurtmachi - «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК.

Bosh loyiҳachi - "MODERN ROAD PROJECT" МЧЖ

Litsenziya №АЛ-000910 от 19-06-2020г.

Moliyalashtirish manbai - Бюджет маблағлари

Bosh pudratchi - Танлов савдолари натижалари билан аниқланади

Qurilish turi Жорий таъмирлаш

Murojaat raqami: № 39329

1. Loyihalash uchun asos

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартағи ПҚ-172- сонли қарори.

1.2. Лойиха учун бошланғич харажатларни ҳисоблаш учун лойиха топшириғи буюртмачи «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК томонидан тасдиқланган ва лойиха ташкилоти « MODERN ROAD PROJECT » МЧЖ томонидан 2022 йилда келишилган.

1.3. Буюртмачининг «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК 2022 йил 28 апрелдаги 01/06-360- сонли хати.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

2.1. Лойиха ва ижро схемаси бўйича нуқсонли далолатнома, «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК томонидан тасдиқланган, Бекобод шахар ободонлаштириш бошқармаси, Маърифат МФЙ раҳбарияти ва лойиха ташкилоти томонидан 2022 йилда келишилган.

2.2. Такдим этилган смета хужжатлари жорий нархларда КҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 42962,787минг сўм миқдорида.

2.3. Локал манбалар рўйхати ва зарурий манбалар рўйхати.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

3.1. Тошкент вилояти Бекобод шахар Маърифат МФЙ Истиқлол кўчаси, Булоқариқ кўchasидан Меъмор кўчасига чиқиш қисмини қўйидаги параметрларга эга:

- таъмирланаётган йўл бўлагининг узунлиги – 91,0 п.м.

3.2. Тақдим этилган смета ҳужжатлари ва тасдиқланган нуқсонли далолатномада қўйидаги ишлар кўзда тутилган;

-Чақиқ тошдан 3 см қалинликда текисловчи қатlam қуриш;

- Битум эмульсияси билан юзаки ишлов бериш;

- Асфальтоукладчик ёрдамида қайноқ майда заррали ғовак асфальтобетондан 5 см қалинликда ёткизиш ва бошқа.

3.3. Хисоб – китоб смета харажатлари ВМ қарорларига мувофиқ жорий нархларда тузилган 11.06.2003 йилнинг №261 сонли "инвестиция лойихаларини амалга ошириш учун шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида"ги қарори, 12.05.2004 йил №226-сонли "Ўзбекистон ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги ва ШНҚ 4.01.16-09-сон "қурилиш харажатларини шартномавий жорий нархларда аниқлаш қоидалари".

Ҳисоблаш ресурс усулига асосланган.

Асосий қурилиш материаллари, конструксиялар, маҳсулотлар ва асбоб-ускуналар қиймати ҳар чоракда ишлаб чиқилган жорий нархлар каталогига, қурилиш материаллари биржалари ва ярмаркаларидаги нархлар, заводларнинг улгуржи ва сотиш нархларига мувофиқ белгиланади.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

Лойиха учун бошланғич харажатларни ҳисоблаш учун топшириғи, объектдаги нуқсонли далолатнома ва ижро этувчи схема буюртмачи «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК томонидан 2022 йилда тасдиқланди.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Тақдим этилган ҳужжатларни локал хulosалар бўйича экспертизадан ўтказиш жараёнида ўзгартириш, қўшимча ва тузатишлар киритилди.

6.2. Экспертиза текшируви натижаларига кўра, смета ҳужжатларининг ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 42962,787минг сўм жорий нархларда тақдим қилинган қиймати 1849,710минг сўмга камайтирилди ва ҚҚС билан буюртмачи харажатларисиз 41113,077минг сўмни ташкил этди.

Камайишга ишчи лойиҳа асосида қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини созлаш, элементар ресурс стандартлари, стандартларини аниқлаштириш, қиммат пардозлаш материалларини йўқ қилиш, ишлайдиган машиналар ва механизмларнинг нархи, асосий қурилиш материалларининг нархи, қурилиш ишчиларининг меҳнат харажатлари ва бошқалар орқали эришилди.

Пудратчининг бошқа харажатлари даражаси 19,0% миқдорида қабул қилинди.

6.3. Демонтаж ишлари давомида материалларни қайтариш нархи буюртмачи ва пудратчи билан биргаликда аниқланиши керак.

6.4. Ҳужжатлар эксперт текшируви учун буюртмачининг шарҳларисиз тақдим этилган.

6.5. Тасдиқлашдан олдин буюртмачи ҳужжатларни барча манфаатдор ташкилотлар билан белгиланган тартибда мувофиқлаштириши керак.

7. Xulosalar.

7.1. Объект учун жорий нархларда тахмин ҳужжатлар қиймати ҳисоблаш кўра «**Тошкент вилояти** **Бекобод шаҳар Маърифат МФЙ Истиқлол кўчаси, Булоқариқ кўчасидан Меъмор кўчасига чиқиш қисмини жорий таъмирлаш**» экспертиза натижаларини ҳисобга олган ҳолда ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 41113,077минг сўм миқдорида харажат билан келгусида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Экспертиза натижалари билан белгиланадиган тавсия этилган харажат шартнома тузиш учун асос эмас.

7.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2003 йил 261-сонли қарори билан тасдиқланган «Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом»га мувофиқ ва Вазирлар Маҳкамасининг 31.01.2022 йилдаги №46-сонли қарорига асосан танлов савдо натижаларига кўра ишларнинг қиймати амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларини ҳисобга олган ҳолда буюртмачи томонидан қабул қилинади ва ҳоказо.

Bosh mutaxassis: Albekova Diana Rasimovna 472166609

TASDIQLAYMAN»

“Toshkent viloyati mintaqaviy yo’llarga
buyurtmachi xizmati” DUK direktori,
komissiya raisi

B.Nurmatov

«20» 06 2022 yil

O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 18 martdagি PQ-172 sonli qarori asosida Toshkent viloyati ichki xo’jalik yo’llarini joriy ta’mirlash ishlarini bajaruvchi Pudrat tashkilotini aniqlash bo’yicha tanlov komissiyasining

14-sonli
YIG’ILISH BAYONNOMASI

“20” 06 2022 yil

Toshkent shahri

“Toshkent viloyati mintaqaviy yo’llarga buyurtmachi xizmati” DUKninig 2022 yil 27 yanvardagi 06/6-sonli buyrug’iga asosan tasdiqlangan eng yaxshi takliflarni tanlash komissiyasi tarkibi:

- | | | |
|---------------------|-------------------------------|---|
| Komissiya raisi: | Nurmatov.B.B | <ul style="list-style-type: none">- “Toshkent viloyati mintaqaviy yo’llarga buyurtmachi xizmati” davlat unitar korxonasi direktori |
| Komissiya a’zolari: | A.X.Shokirov.
A.B.Zakirov. | <ul style="list-style-type: none">- Toshkent viloyati Davlat soliq boshqarmasi vakili- O’zbekiston Respublikasi Transport vazirligi huzuridagi yo’l-qurilish ishlari sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi vakili- Toshkent viloyati Moliya Bosh boshqarmasi vakili |
| Komissiya kotibi: | B.I.Abralov.
S.Jumayev | <ul style="list-style-type: none">- Toshkent viloyati hokimiyati kapital qurilish va kommunikatsiya masalalari bo’yicha kotibiyati yetakchi mutaxassisi- “Toshkent viloyati mintaqaviy yo’llarga buyurtmachi xizmati” davlat unitar korxonasi Tenderlarni tashkil etish va shartnomalar bo’limi bosh mutaxassisi (<i>ovozi berish huquqisiz</i>) |

Yig’ilishni tanlov komissiyasi raisi B.Nurmatov olib bordi.

KUN TARTIBI:

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 18 martdagи PQ-172 sonli qarori asosida Toshkent viloyati ichki xo’jalik yo’llarini joriy ta’mirlash bo’yicha kelib tushgan e’tirozlarni ko’rib chiqish.

Komissiyaning etender.uzex.uz maxsus axborot portalida shakllantirilgan elektron bayonniga asosan ishtirokchilar tomonidan taqdim etilgan hujjatlarni o'rganib chiqib, tanlash natijalari e'lon qilinganligini aytib o'tdi.

Shuningdek,O'RQ-684-sonli "Davlat xaridlari to‘g‘risida"gi qonunning talablariga qat’iy rioya qilish bo‘yicha tushuntirish berib o’tdi.

Xarid komissiyasi a’zolarida mazkur lotlar ishtirokchilari bilan affillanganlik hususiyatiga ega aloqalar mavjud emas.

Muhokamaga qo‘yilgan masala yuzasidan 2 (ikki) ish kuni davomida hech qanday takliflar kelib tushmadi va noroziliklar bildirilmadi.

Tanlashda qatnashgan tashkilotlar takliflari ilovadagi jadvalda belgilangan:

60 balldan past ball to’plagan ishtirokchilar tanlov savdolaridan chetlashtirildi.


Mazkur obyektlar bo‘yicha buyurtmachi tomonidan belgilangan boshlang‘ich narxlar ilovadagi jadvalda ko’rsatilgan:

Komissiya qaroriga asosan O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 18 martdagি PQ-172 sonli qarori asosida Toshkent viloyati ichki xo’jalik yo’llarini joriy ta’mirlash ishlari bo‘yicha eng maqbul takliflarni bildirgan ilovadagi jadvalda ko’rsatilgan bajaruvchi Pudrat tashkilotlari ishlarni 30 kun muddatda yakunlash sharti bilan tanlov g’olib deb topildi.


Eng yaxshi takliflarni tanlab olish bo‘yicha xarid komissiyasi
QAROR QILADI:

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 18 martdagи PQ-172 sonli qarori asosida Toshkent viloyati ichki xo’jalik yo’llarini joriy ta’mirlash bo‘yicha etender.uzex.uz portal tomonidan shakllantirilgan bayonnomalar assosida ilovadagi jadvalda ko’rsatilgan g’olib tashkilotlar bilan shartnomalar tuzilsin.


Komissiya a’zolari:


A.X.Shokirov


O’.A.Norimov


A.B.Zakirov


B.I.Abralov

Komissiya kotibi  S.Jumayev

№	Объект номи	Буюртмачи бошлангич сўмаси	Лот ва Баённома рақами	Ютган суммаси	Голиб бўлган тадбиркорлик субъекти			Баённома санаси	Захирадаги голиб бўлган тадбиркорлик субъекти			
					Номи	Директор (Ф.И.О)	ИНН		Номи	Директор (Ф.И.О)	ИНН	Таклиф суммаси
1	Бекобод шахар Мазрифат МФЙ 4-кўп каватли уйга кириши кисмини жорий таъмирлаш	13 946 073	100934	12 619 229	BEKOBOD TUMAN YFUK	XUSANOV BAXRAM ADXAMOVICH	200556419	15/06/2022	"BO'KA TUMAN YOLLARDAN FOYDALANISH"	YUSUPOV ABDUG'AFUR BAXTIYOR O'G'LlI	200433950	13 378 838
2	Бекобод шахар Мазрифат МФЙ Истиколол кўчаси, Булокарик кўчасидан Месьмор кўчасига чиқиш кисмини жорий таъмирлаш	41 113 077	100940	37 029 731	BEKOBOD TUMAN YFUK	XUSANOV BAXRAM ADXAMOVICH	200556419	15/06/2022	"BO'KA TUMAN YOLLARDAN FOYDALANISH"	YUSUPOV ABDUG'AFUR BAXTIYOR O'G'LlI	200433950	41 113 077
3	Олмалик шахар Теракли МФЙ Теракли кўчасини жорий таъмирлаш	603 422 476	102078	590 422 000	УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	ZAYNIDINOV SHAMSIDDIN NADJIMIDINOVICH	201577827	15/06/2022	УП OHANGARON TUMAN YO'LLARDAN	O'RINOV SHAVIKATJON ZOKIR O'G'LlI	200608573	557 699 123
4	Нурафшон шахар Мазрифат МФЙ Филокор кўчасини жорий таъмирлаш	332 250 423	102234	312 250 423	УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	ZAYNIDINOV SHAMSIDDIN NADJIMIDINOVICH	201577827	15/06/2022	УП O'RTACHIRCHIQ TUMAN YO'LLA	NARXODJAYEV SALAKIDIN NIZAMXODJAYEVICH	200583117	328 927 918
5	Юкори Чирчик туман Нурий йўл МФЙ Чиндиёр кўчасини жорий таъмирлаш	173 354 181	102261	160 000 000	УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO'LL	YUSMETOV DILSHOD RUZMATOVICH	200932575	15/06/2022	CHIRCHIQ BEST BUILDING MCHJ	DIJABAROV MUXUTDIN ISLAMOVICH	301631013	165 224 000
6	Юкори Чирчик тумани Фаровон МФЙ Барака кўчасини жорий таъмирлаш	190 488 032	102263	180 000 000	УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO'LL	YUSMETOV DILSHOD RUZMATOVICH	200932575	15/06/2022	CHIRCHIQ BEST BUILDING MCHJ	DIJABAROV MUXUTDIN ISLAMOVICH	301631013	175 488 000
7	Юкори Чирчик туман Нурий йўл МФЙ Тўқонбой 2 топ кўчасини жорий таъмирлаш	128 078 280	102264	120 500 000	УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO'LL	YUSMETOV DILSHOD RUZMATOVICH	200932575	15/06/2022	CHIRCHIQ BEST BUILDING MCHJ	DIJABAROV MUXUTDIN ISLAMOVICH	301631013	120 145 000

(15.06.2022 йилда тасдиқланган манзилли дастурга күшимчада)

Т/Р	Объектлар номи ва манзили	Курилиш ишларининг бошланниши ва тугатланиши йилни	Лойиҳавий куввати, тегишлий ўчров бирликларида (км/лм)	Таъмилаш ишларининг гудрат шартномаси тузиликтан вактдаги умумий кўймати, шу жумладан буортмачанинг бошқа харажатлари	2022 йил режаси				2022 йилда ишга тушерилиши	Лойиҳа экспертиза санаси ва рагами	Тендер сайдолари байнномаси тасдиқланган сана ва рагам	Пудрат Курилиш ташкилоти нари				
					Шу жумладан											
					Жами маблаглар лимити	ҚМИ	Жихозлар	Буюртмачанинг бошқа харажатлари								
3	Шодлик МФИ Шодиёна кўчасини жорий таъмираш	2022 й	0,159		71,790	60,090	11,700	7,800			№41021 12.05.2022 й.	Танлов (тендер)				
4	Шодлик МФИ Қорақолпок кўчасини жорий таъмираш	2022 й	0,491		11,700		11,700	7,800		215,808	215,808 №41023 12.05.2022 й.	Танлов (тендер)				
5	Миришкор МФИ Беруний кўчасини жорий таъмираш	2022 й	0,386	175,979 25,740	175,979 25,740	175,979 25,740	175,979 25,740	175,979 25,740	25,740 III-чорак	17,160 175,979	№41034 12.05.2022 й. лот № 97024	000 GMG REALWAY				
6	Миришкор МФИ Гулханий кўчасини жорий таъмираш	2022 й	1,249		120,569		11,700	7,800		544,970 544,970	№43874 26.05.2022 й.	Танлов (тендер)				
7	Миришкор МФИ Төкзор кўчасини жорий таъмираш	2022 й	0,936	368,631 16,380	368,631 16,380	368,631 16,380	368,631 16,380	368,631 16,380	352,251 III-чорак	10,920 368,631	№42581 19.05.2022 й. лот № 92599	000 GMG REALWAY				
8	Миришкор МФИ Соҳибкор кўчасини жорий таъмираш	2022 й	0,300	125,932 3,960	125,932 3,960	125,932 3,960	125,932 3,960	125,932 3,960	121,972 III-чорак	3,960 2,160	№41016 12.05.2022 й. лот № 97079	000 GMG REALWAY				
9	Миришкор МФИ Боғча кўчасини жорий таъмираш	2022 й	0,948						18,321	9,720 6,480	№43872 26.05.2022 й.	Танлов (тендер)				
10	Миришкор МФИ Хосилот кўчасини жорий таъмираш	2022 й	0,411	165,568 7,965	165,568 7,965	165,568 7,965	165,568 7,965	165,568 7,965	157,603 III-чорак	7,965 5,310 0,411 165,568	№42159 17.05.2022 й. лот № 95372	000 GMG REALWAY				

*Изоҳ: Параметрларга лойиҳа-смета хуёжатлари тўлиқ ишлаб чиқилиб экспертиза кўригидан ўтказилиб тендер натижасидан сўнг аниқлик киритилади.

"Кирилди"

Тошкент вилояти

"Минтакавий йўлларга буортмачи хизмати" ДУК директори

Б.Нурматов



"Келишилди"

Тошкент вилояти

Автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиги

Ж.Бекмурзаев

2022 й.



"Келишилди"

Тошкент вилояти ҳоқимлиги

Мония бош бошқармаси бошлиги

О.Холиқулов

2022 й.